# ИЖТИМОИЙ ҲИМОЯ

**Тошкент шаҳар Касаба уюшмалари Кенгашининг саҳифаси**

## Меҳнаткашлар манфаатини кўзлаб

***Мустақиллик шарофати билан пойтахт касаба уюшмалари фаолиятида қандай ўзгаришлар юз берди? Меҳнат аҳлининг манфаатларини ҳимоя қилиш борасида қандай ишлар амалга оширилмоқда? Қандай ютуқларга эришилмоқда?***

***Тошкент шаҳар касаба уюшмалари Кенгашининг раиси Мирзоҳид СОДИҚОВ бу ҳақда жамоатчи мухбиримиз Улуғбек Пўлатовга қуйидагиларни сўзлаб берди.***

— Мустақиллик — халқимизнинг асрий орзуси бўлган улуғ неъмат. Ватанимизни келажак авлодларга озод ва обод қилиб қолдириш ҳар биримизнинг фарзандлик бурчимиздир. Касаба уюшмалари ушбу эзгу ният йўлида мамлакатимиз раҳбарияти олиб бораётган одилона сиёсатни қўллаб-қувватлаб, астойдил меҳнат қилиб келмоқда. Истиқлол шарофати билан 1991 йилда ташкил топган Тошкент шаҳар касаба уюшмалари Кенгаши ўтган йиллар давомида катта салоҳиятга эга бўлган йирик жамоат ташкилотларидан бирига айланиб муносиб ҳурмат-эътибор қозонганлиги барчага маълумдир.

Касаба уюшма аъзоларининг сафи кенгайиб, жипслиги янада мустаҳкамланди.

Меҳнат аҳлининг қонуний ҳуқуқ ҳамда манфаатларини ҳимоя қилиш — касаба уюшмалари фаолиятининг устувор йўналишларидан бири бўлиб, мазкур хайрли ишни изчиллик билан ҳаётга татбиқ этишда ижтимоий шерикчилик тамойили бу борада янгича самарали йўналиш, давр талаби сифатида амалий, ижобий жиҳатларини намойиш этмоқда.

Ушбу йўналиш касаба уюшмалари, давлат бошқаруви идоралари ва иш берувчилар ўртасидаги муносабатларда юзага келаётган барча долзарб муаммоларни, ечимини кутаётган масалаларни фақат музокара, ҳамкорлик ва ўзаро келишув йўли билан ҳал этишни ўз олдига мақсад ва вазифа қилиб белгилаган.

Мамлакатимизда «2002 йил —Қарияларни қадрлаш йили» деб эълон қилинди. Кексаларни эъзозлаш, меҳр-саховат кўрсатиш — халқимизга хос бўлган азалий, шарқона миллий қадриятлар тикланиб, одат тусига кираётганлигининг ёрқин кўриниши бўлиб, шаҳар касаба уюшмалари Кенгаши томонидан «Қарияларни қадрлаш йили» дастури бўйича, айниқса меҳнат ва ўқув жамоаларида меҳнат қилаётган пенсионерларнинг иш шароитини яхшилаш, уларнинг ҳуқуқ ҳамда манфаатларини ҳимоялаш мақсадида амалдаги жамоа шартномаларига киритиш учун корхона ва ташкилотларнинг моддий имкониятларидан келиб чиққан ҳолда қўшимча имтиёз ва таклифлар берилди. Қабул қилинган муҳим юридик ҳужжат — жамоа шартномаларига киритилган имтиёзлар орқали 979 та корхонада ишлаб пенсияга чиққан 7600 дан зиёд меҳнаткашга корхона маблағидан 40 миллион 443 минг сўмдан ортиқ, касаба уюшма ҳисобидан эса 4 миллион 268 минг сўмдан ошиқ моддий ёрдам кўрсатилди. Байрам шарофати билан 1655 та корхонада 10060 нафардан зиёд пенсионерларга корхона ҳисобидан 45 миллион 977 минг сўмдан кўп, касаба уюшма маблағидан эса 10 миллион 62 минг сўмдан ортиқ моддий ёрдам берилди. 21 та корхонада 32 нафар ёлғиз пенсионерларнинг уй-жойлари таъмирланиб савоб ишга қўл урилди.

Шунингдек, 1816 та меҳнат жамоалари ва ўқув юртларида ишлаётган 13080 нафарга яқин пенсионерларни ижтимоий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш мақсадида корхона ва ташкилотлар ҳисобидан 123 миллион 807 минг сўмдан зиёд, касаба уюшмалари маблағидан эса 14 миллион 573 минг сўмдан ортиқ миқдорда моддий ёрдам ажратилди. 343 та меҳнат жамоаларида 1130 нафардан зиёд пенсионерларга кўп йиллик хизмати учун устама ҳақлар белгиланган. 1354 та корхонада 7420 нафарга яқин пенсионерларга рағбатлантириш тўловлари ўрнатилган. Кутлуғ ёшга тўлганлиги муносабати билан 1550 та корхонада 8460 нафарга яқин пенсионер мукофотланди.

Фахрийлар — фахримиз бўлиб, уларнинг саломатликлари ҳақида ғамхўрлик қилиш ҳам муҳим юмушдир. Меҳнат жамоалари ва ўқув юртларида меҳнат қилаётган пенсионерларга соғлиқларини мустаҳкамлаш мақсадида касаба уюшмалари тасарруфидаги санаторийларга 160 та, дам олиш уйлари ва пансионатларга 175 та, санаторий-профилакторийларга 348 та имтиёзли йўлланма ажратилиб, 360 нафардан зиёд меҳнат аҳли соғломлаштирилди.

Бу хайрли ишлар учун касаба уюшмалари ижтимоий суғурта бюджетидан жами 30 миллион сўм миқдорида маблағ сарфланган. Меҳнат жамоалари ва ўқув юртларида ишлаётган пенсионерларнинг саломатлигини мустаҳкамлаш, дам олишини ташкил этиш мақсадида уларнинг 150 нафари В. Митрофанов номидаги спорт мажмуасининг соғломлаштириш гуруҳларига имтиёзли йўлланмалар билан таъминланди. Ушбу мақсадларга эса касаба уюшма бюджети ва ижтимоий суғурта бюджети маблағларидан 500 минг сўм сарфланган.

Кишиларнинг ўз ҳақ-ҳуқуқларини англаб етаётганликлари, боқимандалик кайфиятидан халос бўлаётганликлари, мустақил фикрлаш малакасининг юксалаётганлиги, меҳнатга муносабатнинг ўзгараётганлиги, ижтимоий фаолликнинг кучайиб бораётганлиги — Мустақиллик берган неъматлардан бири десак, асло янглишмаймиз. Кишилар онгидаги бу ижобий ўзгаришлар олиб борилаётган ислоҳотларнинг муҳим ютуқларидан ҳисобланади.

Туман ҳокимиятлари ва бошқармалари билан ҳамкорликда шаҳар касаба уюшмаларининг ташкилий бирлигини мустаҳкамлаш шаҳар аҳолиси, меҳнаткашларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳамда ҳуқуқий манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида шаҳар ҳокимияти билан пойтахт касаба уюшмалари Кенгашининг биргаликдаги саъй-ҳаракатлари натижасида ҳар бир туманда касаба уюшма қўмиталари раисларининг мувофиқлаштирувчи кенгашлари ташкил этилган. Кенгашларнинг олдига иш ҳақи бўйича қарздорликни камайтиришдек ечимини кутаётган масалаларни туманларнинг ҳокимият органлари билан ҳамкорликда ҳал этиш каби долзарб вазифалар белгиланиб, бу борада муайян ишлар амалга оширилди.

Меҳнат аҳлининг фарзандларини соғломлаштириш, мароқли дам олишини ташкил этиш пойтахт касаба уюшмалари Кенгаши фаолиятининг устувор йўналишларидан ҳисобланади.

Яхши дам — ўқишга ҳамдам бўлиб, мактаб ўқувчиларининг ёзги таътилида меҳнаткашларнинг 50 минг нафардан зиёд фарзандлари шу жумладан, 2300 нафар Қорақалпоқ болалари Бўстонлиқ туманининг тоғ ёнбағри ва Тошкент денгизи соҳилидаги сўлим, баҳаво оромгоҳларда мазмунли, мароқли ҳордиқ чиқардилар.

Болалар ва ўсмирларни спортга кенг жалб этиш мақсадида шаҳар касаба уюшмалари жисмоний тарбия-спорт жамияти тасарруфидаги 14 та болалар ва ўсмирлар спорт мактабларида ўқув машғулотларини takомиллаштириш ва моддий негизини мустаҳкамлаш учун маблағлар сарфланмоқда. Бу шубҳасиз, ёш авлодни соғлом ва баркамол бўлиб вояга етишида хизмат қилмоқда. Касаба уюшма спорти тарбияланувчиларининг нуфузли мусобақалар, халқаро миқёсдаги беллашувларда қатор муваффақиятларга эришаётганлиги қувонарлидир. Кези келганда курашчиларимиз, чарм қўлпоқ усталарининг Ватанимизнинг шон-шуҳратини дунёга ёйиш борасидаги залвор қадамлар ташлаётганлиги, улкан зафарлар қозонаётганлигини мамнуният билан таъкидлаш лозим. Бу борада юнон-рум кураши бўйича жаҳон чемпиони Дилшод Орипов, яқинда бокс бўйича Осиё чемпиони бўлган Бекзод Ҳидировнинг қўлга киритаётган юксак натижалари билан ҳар қанча ғурурлансак арзийди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонига асосан Бекзод Ҳидировнинг «Ўзбекистон ифтихори» ва бокс бўйича мураббий Ҳабибулла Усмоновнинг «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган спорт устози» фахрий унвонлари билан тақдирланганлиги давлатимиз томонидан берилган юксак баҳо бўлиб, бизга эса фахр-ифтихор туйғуларини бахш этади.

Ёшлар — бизнинг келажагимиз.

Шаҳар касаба уюшмалари Кенгаши савобли ишга қўл уриб, пойтахтимиздаги олий ва ўрта махсус ўқув юртларида малакали мутахассисларни тайёрлаш ва касаба уюшмалари фаолиятига ёшларни кенгроқ жалб этиш мақсадида 1999 йилдан бошлаб 10 та стипендия таъсис этди. Аълочи ва жамоатчи ёшларга «Шаҳар касаба уюшмалари Кенгашининг стипендианти» гувоҳномасини топширишдек ажойиб анъана давом этиб келмоқда. Ҳозирга қадар 70 нафар муносиб иқтидорли талабалар касаба уюшмалари стипендианти деган қутлуғ ном соҳиби бўлдилар. Муҳими, ўқув жамоаларида, талабалар ўртасида қизиқишга сабаб бўлиб, уларни аъло ўқишга, ижтимоий фаолликка ундаётганлиги, ўқув жамоалари билан дўстона, самимий муносабатларнинг юзага келаётганлиги диққатга лойиқдир.

Мустақиллик — бизнинг ташаббус кўрсатиб, ижодий ишлашимиз даркорлигини билдириб, бу давримизнинг талаби ҳисобланади. Халқимизнинг бахт-саодати йўлида хизмат қилиш биз учун олий бахт, ҳаётимизнинг маъноси, мазмунидир.

# ЯХШИ ДАМ — ЎҚИШГА ҲАМДАМ

**Жазирама ёз фаслида табиатнинг сўлим гўшаларида ҳордиқ чиқариш, соғлиқни мустаҳкамлаш болаларга бир олам завқ-шавқ бағишлаб, оромгоҳда ўтган унутилмас дамлар ёрқин таассурот қолдиради.**

Бўстонлиқ туманининг денгиз сатҳидан 2800 метр баландликда кўҳна ривоятларга бой, пурвиқор тоғлар билан ўралган, боғ-бўстонларга бурканган Қоронқул қишлоғи ҳудудида «Тошшаҳаргазтаъминот» шўъба корхонасининг «Зангори олов» стационар туридаги болалар соғломлаштириш оромгоҳи жойлашган. Пастда эса Хўжакент ГЭСининг мовий сувлари жилваланиб турибди. Оромгоҳ атрофида бепоён ям-яшил далалар, яйловлар, мевалар ғарқ пишган боғлар ястаниб ётибди. Она табиатнинг ҳуснига қараб кишининг дили яйрайди, Ватанимизнинг жаннатмакон юрт эканлигини қалбдан ҳис этиб қувонасиз.

— Бизнинг оромгоҳда биринчи ойда 200 нафар, иккинчи ойда 230 нафар ва ниҳоят августда 210 нафар бола дам олдилар. Оролбўйи меҳнаткашларининг 60 нафар фарзандлари мавсум бошида ҳордиқ чиқардилар. Уларнинг кўзидаги қувончни кўриб, оромгоҳга меҳр қўйганлигидан, яна келгуси мавсумда келишни хоҳлаганлигидан мамнунмиз, — дейди оромгоҳ бошлиғи Йўлдош ака Холметов хурсандчилигини яширмасдан.

117 гектар майдонни эгаллаган оромгоҳ ҳудудидаги соя-салқин боғларда меҳнат аҳлининг фарзандлари мириқиб дам олмоқдалар.

— 1999 йилдан бошлаб «Зангори олов» болалар соғломлаштириш оромгоҳи фаолият кўрсатмоқда, — дея сўз бошлади «Тошшаҳаргазтаъминот» шўъба корхонаси касаба уюшма қўмитасининг раиси Ҳамиджон ака Дадаев. — Аввал бу оромгоҳ бошқа корхонага қарашли бўлиб, маблағ тақчиллиги сабабли ишламаётган эди.

Корхона раҳбарияти ва касаба уюшма қўмитаси «Излаган имконият топади» деганларидек, меҳнаткашларнинг фарзандларини соғломлаштириш, мазмунли дам олишини ташкил этишдек хайрли ишга қўл уриб, улкан ободончилик ва таъмирлаш ишлари учун маблағни топиб, уни оқилона сарфлаш натижасида қулай шарт-шароитларга эга бўлган файзли маскан юзага келди.

Оромгоҳ — болаларнинг дам олиш ва соғломлаштириш маскани бўлибгина қолмасдан, уларнинг истеъдод қирралари кашф этиладиган ҳамда қобилиятлари камол топишига хизмат қиладиган маданий-маърифий даргоҳ десак муболаға бўлмайди. Чунки, тўгаракларсиз, болалар ижодининг маҳсули бўлган ўзига хос санъат асарларисиз оромгоҳни тасаввур этиш қийин. Зеро, тўгараклар оромгоҳдаги тарбиявий ишларнинг ажралмас бўлагини ташкил этади. Оромгоҳда ўз ишини севган иккита мураббий раҳбарлигида иккита йўналиш бўйича моҳир қўллар тўгараги фаолият кўрсатмоқда.

Оромгоҳда маънавият хонаси ва кутубхонада тарихий ва бадиий адабиётлар, болаларнинг ёшига мос адабиётлар мавжуд.

— Ҳар навбатда болалар кутубхонага аъзо бўлиб, китобхонлик қиладилар, — дейди кутубхона мудираси, Бектемир туманидаги 291-ўрта мактабнинг кутубхоначиси Саодат Қодирова. — Учинчи навбатда 115 нафар бола кутубхонага аъзо бўлиб, ҳар куни 10 нафар бола китоб мутолаа қилгани келадилар.

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳар оромгоҳлари ўртасида ўтказилган кўрикда 2001 йилда биринчи ўринни олиб, ғолиб бўлган «Зангори олов» болалар соғломлаштириш оромгоҳи болаларнинг маънавий ва маърифий дунёқарашини бойитиш билан биргаликда уларнинг спорт ва жисмоний тарбия билан шуғулланишларига ҳам катта эътиборни қаратиб, эришилган натижалари учун тармоқ ходимлари касаба уюшмаси Марказий Қўмитасининг Фахрий ёрлиғи билан тақдирланган эди.

Оромгоҳ албатта болаларнинг қувноқ кулгуси билан файзли ва тароватлидир. Болаларнинг катталарга шарқона одоб билан салом бериши, ўзини тутишидан киши тарбияли болалар экан деган ўйга бориб мамнун бўлади.

Чўмилиб, ўзини офтобда тоблаб ўтирган қорамағиздан келган, қора кўзлари кишига меҳр билан боқувчи болажонни суҳбатга тортдик.

— Мен Тоҳиров Фарруҳ, тўққиз ёшдаман, — дея ўзини таништирди ёқимтойлик билан. — Шайхонтоҳур туманидаги 329-ўрта мактабда ўқийман. Оромгоҳда дам олиш мазза, овқатлари ҳам, чўмилиш ҳам яхши. Ҳар хил танловлар ўтказилади. Улар қизиқарли ўтади. Келажакда футболчи, аниқроғи ҳужумчи бўламан. Бу ерга келиб кўплаб ўртоқлар орттирдим. Жавоҳир, Элдор, Азиз исмли болалар билан дўстлашдим. Келаси йили оромгоҳга йўлланма беришса яна келардим.

Бу эса таъбир жоиз бўлса катталарнинг меҳнатига берилган баҳо бўлиб, уларнинг меҳнати зое кетмаётганлигидан, болалар оромгоҳга меҳр қўйиб, мириқиб дам олиб, мамнун бўлаётганликларидан беҳад қувондик.

**Улуғбек ПЎЛАТОВ**



**Суратда: шоҳсупа тўрида касаба уюшмалар спорт вакили-бокс бўйича Осиё чемпиони Беҳзод Ҳидиров.**

# Энг катта ютуқ — иштирок

**«Алгоритм» болалар соғломлаштириш оромгоҳида меҳнаткашлар фарзандларининг соғлом, бақувват бўлиб ўсишлари, мароқли дам олишлари учун ранг-баранг спорт мусобақаларини уюштиришга катта аҳамият қаратилмоқда. Улар орасида ўзбек футболининг фахри, севимли футбол командамиз «Пахтакор» жамоасининг авиаҳалокатга учраб бевақт сўнган юлдузларни эслаб 5 йилдан буён ўтказилаётган «Пахтакор-79» анъанавий хотира турнири ўзига хос жиҳатлари билан қалблардан чуқур ўрин олган.**

«Алгоритм» очиқ акциядорлик жамияти раҳбарияти, корхона касаба уюшма қўмитасининг ташаббуси ҳамда саъй-ҳаракати билан ўтказиб келинаётган мусобақанинг нуфузи тобора ортиб, бу йил илк бор халқаро миқёсга кўтарилиб, «Пахтакор-79» 1 Халқаро хотира турнири номини олди. «Пахтакор-79» футбол жамоасининг хотирасига бағишланган халқаро мусобақада АҚШ, Туркия Республикаси, Исроил, Қозоғистон, Республикаларининг Ўзбекистондаги элчихоналарининг футбол жамоалари, «Ўзкабель» ДАЖнинг «Спектр» қўшма корхонаси, «Алгоритм» очиқ АЖнинг жамоалари, «Тўқимачи» ва «Чилонзор» футбол жамоалари икки гуруҳга бўлинган ҳолда баҳс олиб бордилар.

Маданий-спорт дастурига айланган қутлуғ тадбирга азиз меҳмонлар — «Пахтакор-79» жамоасида тўп сурган марҳум футболчиларнинг оила аъзолари, Ўзбекистон Миллий Олимпия қўмитасининг масъул ходимлари — Олимпиада ўйинлари ғолиблари Вера Дуюнова ва Лариса Павловалар таклиф этилди. Ушбу турнирни ташкилий қўмита раиси, «Пахтакор-79» жамоаси мураббийи И.Тазетдиновнинг рафиқаси А.Тазетдинова тантанали тарзда очди. Бадиий жамоалар ажойиб маданий дастурини намойиш этиб, қалбларга завқ-шавқ бағишлаб, барчада унутилмас таассурот қолдирдилар. Жумладан, «Ракс» гуруҳи, болаларнинг севимли «Алавуддин» шоу-гуруҳининг бетакрор санъатини таъкидлаш лозим. Зеро, спорт ҳамда санъат эзгуликка хизмат қилади.

Мусобақанинг эътиборли жиҳатларидан бири — ҳар бир учрашувнинг «Пахтакор» футбол жамоасига хос бўлган кескин ҳужумкорлик руҳида, ғоят қизиқарли тарзда ўтганлиги бўлиб, барчанинг диққатини ўзига қаратди. Муросасиз кескин беллашувларда финалчилар аниқланди. «Ўзкабель» давлат акциядорлик жамиятининг «Спектр» қўшма корхонаси футбол жамоаси ғалабага бўлган иродасини бир неча бор намойиш этиб, кучли рақибларни енгиб, финалда майдон эгалари — «Алгоритм» очиқ акциядорлик жамиятининг командасига рўбарў келди. Асосий вақт 1:1 ҳисобида жанговар дуранг билан якунланди. Пенальтилар бўйича «Ўзкабель» ДАЖнинг «Спектр» қўшма корхонаси футбол жамоаси «Пахтакор-79» 1 халқаро хотира турнирининг ғолиби сифатида кўчма кубок эгаси бўлиб, улар корхона маъмурияти ва касаба уюшма қўмитаси томонидан 1 даражали диплом, хотира вимпели билан тақдирланди, ўйинчиларга эса эсдалик совғалари топширилди.

Мусобақада чиройли ўйини билан томошабинларни хушнуд этган, завқ-шавқ бағишлаб, фахрли иккинчи ўринга сазовор бўлган «Алгоритм» футболчилари ва учинчи ўрин эгаси қозоғистонлик футболчилар ҳам диплом, вимпел ҳамда қимматбаҳо совғалар билан тақдирланди. «Алгоритм» жамоасининг аъзоси Е.Хорохов «Энг яхши дарвозабон», Қозоғистон жамоаси ўйинчиси Қ.Тошметов «Энг яхши ҳимоячи» ва «Ўзкабель» ДАЖ «Спектр» қўшма корхонасининг футбол жамоасидан Р.Умаров «Энг яхши ҳужумчи» дея эътироф этилиб, ташкилий қўмита томонидан уларга махсус совғалар топширилди.

Муҳими, ғалаба қозониш бўлмай, иштирок этиш, дўстлар орттириш, спортнинг эзгулик элчиси эканлигини англаш, моҳир спортчилар, ажойиб инсонларни ҳурмат билан ёдга олиш улуғ фазилат эканлигини болаларнинг қалбидан бир умрга жой олганлиги хотира мусобақасининг энг катта ютуғи бўлди, десак адашмаймиз.

**Йўлчибой РАҲИМЖОНОВ,**
**«Алгоритм» очиқ акциядорлик жамияти касаба уюшма қўмитасининг раиси.**

# Ўз-ўз ўрганиб доно бўлур...

● Кесатиб, киноя билан айтилган сўзлар қўрқинчли натижаларни келтириб чиқаради.

● Ҳар киши сўзлаган сўзи билан танилади, қилган иши билан таъриф ва тавсиф қилинади.

● Илмига амал қилмаган олим шифо бахш этмайдиган давога ўхшайди.

● Кимнинг ҳиммати баланд бўлса, қадр-қиммати ҳам баланд бўлади.

● Ўтни ўчириб, кўрини, илонни ўлдириб боласини қолдириш ақлли кишининг иши эмасдир.

● Афлотун ҳаким айтади:

— Ёмон йўлга кириб қолганларга ярамас йўлдан қайтишлари учун ёрдам беринг. Сизнинг ёрдамингиз соясида тўғри йўлга қайтишлари умид қилинади.

— Баҳор фаслининг баҳр-дилни очадиган тоза, соф ҳавосини ғанимат билиб фойдаланингиз, чунки у ёзга қараб кетгани учун дарахтларингизга қандай фойда бахш этади. Аммо кузнинг соя-салқинлигидан ўзингизни сақланг, чунки у салқинлик қиш совуғининг даракчиси бўлиб, дарахтларингизга таъсир этгани каби баданларингизга ҳам шунча ёмон таъсир қилади.

● Эрон шоири Фаридиддин Аттор айтади:

Гар тавозеъликни тутсанг эй,
жавон,
Дўст тутгайлар ҳамма халқи
жаҳон.
Кимда беандоза сўзлар бор
эрур,
Бил надоматдан унга бисёрдир.
Кимки бўлмас ўз ишидаи эҳтиёт,
Ул ишидан кўрмагай ҳаргиз
нажот.

● **Алишер Навоий айтади:**

— Аччиқ тил тиғи кўнгилни жароҳатлайди, юмшоқ сўз ва ширин тил кўнгилга малҳам бўлади, роҳатлантиради. Тилга эҳтиётсизлик — элга эътиборсизликдир. Тили аччиқ киши эл кўнглига жароҳат етказгани каби ўз бошига ҳам офат етказади. Агар кўнгилга юз қайғу ва алам ғам келтирадиган бўлса, мулойим, ширин сўз у қайғуларни қайтаради.

Шоир айтади:

Очиқ қўлли кушода юзли
бўлгил,
Мурувватли мулойим сўзли
бўлгил,
Ҳамма одамга сен яхши қилиқ
қил,
Тилингни хуш, чиройингни илиқ
қил.
Ки ҳар жойда тилингни сақла
зинҳор.
Киши тилинг ёмонидан бўлур хор.

Шайх Мулиҳиддин Саъдий айтади:

**— Ёмонларга раҳм-шафқат қилиш, кишиларга зулм этишдир. Золимларни авф қилиш — ҳожатмандларга жабру-жафо етказишдир. Ёмон одамни қўллаб-қўлтиқласанг, унга меҳрибонлик қилсанг, сен ҳам унинг жиноятига шерик саналасан.**

— Шоирлардан бири айтди:

Ҳар кимса ёмонликни ҳаддан
ошириб қилса,
Ким бўлса дучор унга бе жангу
жадал бўлмас.

● **Атоқли олим ва шоир Мажидиддин Хофий шундай ҳикоя қилади:**

— Бир нодон одам Ҳотам Тойга кўп жабру-жафо етказди, оғзига келган ҳар бир ярамас сўзни айтишдан тортинмади. Ақлли кишининг нодон билан олишиб туриши дуруст бўлмагани учун Ҳотам ҳам у билан олишмасдан, сукут этиб турди. У киши чарчаб, сўздан тўхтагандан кейин Ҳотам айтди:

— Яна айтадиган ҳақоратли сўзларинг борми? Менинг ёнимда айтиб битир, «Ақлсиз, нодон одам адабсизлик қилса, у билан олишмай адабсизлигини кечиришдан бошқа чора йўқдир», деганлар. Шунга кўра мен ҳамма ҳақоратли сўзларингга жавоб қайтармай, сукут қилдим. Сени авф этдим. Менинг одамларим орасида сенга ўхшаш паст табиатли, ақлсиз, нодон одамлар бор. Улар ёнида ҳақорат қилсанг, сени ҳам ўзлари каби нодон эканлигини билмай ҳужум қилиб, ман этишимга қарамасдан сенга озор етказадилар. Шунинг учун ҳамма ҳақоратли сўзларингни ўзимга айтиб битира қол.

● Бобораҳим Машраб айтади:

Бўлма кўп енгил, дилингни соф қил,
Жонингга жабр этмагил, инсоф қил!
Қилмагил бекор умрингга жафо,
Бу жафодан зарра кўрмайсан вафо.

Бир донишманд шундай ҳикоя қилади:

Эрон шоҳларидан бирининг Абдулла исмли ақлли вазири бор эди. У подшоҳ ёнига бир йилга қадар келмай, бошқа ишлар билан машғул бўлиб қолди. Шу муддат ичида халқ орасида тинчсизлик бошланган эди.

Абдулла бир йилдан кейин подшоҳ ёнига қайтиб келаётган эди, йўлда халқ уни тўхтатиб, агар иш ўзлари хоҳлаганча бўлмаса, вазирни ўлдиришларини уқдириб айтди. Халқ орасидан бир киши югуриб келиб, вазирнинг соқолини ғижимлаб ушлаб силкитди. Халқ у кишининг қўлидан вазирни қутқариб қолди. Вазир Абдулла подшоҳ ёнига келгач, ундан халқнинг тилаганини беришни, ўзига адабсизлик қилган кишига жазо бермасликни ўтинди.

Эртаси кун эрталаб Абдулланинг ҳузурига бир дўкончи савдогар кириб келди. Вазир ундан нима иш учун келганини сўраган эди, савдогар шундай жавоб берди.

— Кеча сизнинг соқолингизни ғижимлаб озор берган кишининг ким эканини айтгани келдик. У менинг қўшним, исми Найимдир. Сиз уни чақириб жазо беринг.

Абдулла савдогарни чиқариб юборди. Ва бир хизматчисига Найимни олиб келишни буюрди. Найим қўрқа-писа, ранги-рўйи ўчган ҳолда вазир ёнига келди. Унинг оёғига йиқилиб кечирим сўради. Вазир Абдулла Найимни кўтариб турғазди, унга тасалли бериб айтди.

— Мен сени жазо бериш учун эмас, қўшнинг — савдогарнинг ярамас киши эканидан хабардор бўлишинг учун чақирдим. Қўшнинг савдогар, чақимчи, иғвогар бир киши экан менинг ёнимга келиб сенинг ҳақингда чақимчилик қилди. Бор, уйингга кет, ўзингга эҳтиёт бўл. Савдогар, чақимчи, иғвогар қўшнингдан сақлан.

● Шоир Файзулла қори Алмаий айтади:

Кимда бор бўлса бир ёмон одат,
Қасдсиз ундан бўлғуси содир,
Найзасин ургуси чаён тошга,
Гарчи ҳаргиз унга эмас қодир.

**САНОАТ**



**Пойтахтимизда фаолият кўрсатаётган «Растр» Ўзбекистон—Британия қўшма корхонаси матбаачилари ҳам барча ҳамюртларимиз қатори республикамиз Мустақиллигининг 11 йиллик шодиёналарини яхши меҳнат натижалари билан кутиб олиш ниятида меҳнат қилишмоқда.**

# Болажонларга ажойиб совға

Замонавий матбаа дастгоҳлари билан жиҳозланган цехларда 110 нафардан зиёд малакали мутахассислар меҳнат қилаётган ушбу корхона маҳсулотлари нафақат мамлакатимиз, балки хорижлик харидорлар талабини қондиради. Бу ерда ишлаб чиқарилаётган китоб-журнал, газета, турли буклет, плакат, этикетка ва бошқа матбаа маҳсулотлари сифатига алоҳида эътибор қаратилади.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, яқинда корхонада яна бир янги цех ўз фаолиятини бошлади. Ушбу цех эса Марказий Осиё минтақасида ягона бўлган юксак унумли замонавий линия билан жиҳозланди. Газда қуритувчи ва саккиз хил рангда чоп этувчи ушбу дастгоҳ машҳур «HEIDELBERG» фирмасида ишлаб чиқарилган. Ушбу чоп этиш машинаси соатига 40 минг айланма ҳаракатни амалга ошира олади. Ушбу замонавий линия Осиё тараққиёт банки томонидан ажратилган мақсадли кредит эвазига сотиб олинди. Шунингдек, бундан аввал корхона цехларида ўрнатилган яна бир хорижий офсет машинасида тайёрланаётган маҳсулотлар ҳам юқори сифати билан ажралиб туради.

Айни кунларда корхонада ана шундай унумли дастгоҳлар, малакали мутахассислар тажрибаси ва ички имкониятлардан тўла фойдаланиб республика Халқ таълими вазирлигининг асосий буюртмаси бажарилмоқда. Бу — биринчи синф ўқувчилари учун дарсликлар тўплами — янги ўқув йилига Президент совғаларидир. Ушбу дарсликлар ўзбек ва қардош тилларда чоп этилмоқда.

Корхонага тушган ҳар бир буюртманинг ўз вақтида, муҳими сифатли бажарилиши харидорлар сафини орттиришда муҳим омил бўлмоқда. Қўшма корхона тадбиркорлари Ҳамдўстлик давлатлари билан ҳам ҳамкорликни яхши йўлга қўйган. Келгусида улар экспорт ҳажмини янада оширишга ўзларининг астойдил саъй-ҳаракатлари ва изланишлари боис эришишни ният қилишган.

Ҳозирги дамда чоп этилаётган дарсликлар эса болажонларимизга қўшалоқ байрам арафасида ажойиб совға бўлади.

**Дилноза ҒИЁСОВА**

**СУРАТДА: иш сифатини таъминлашда муҳим ҳисса қўшаётган матбаачилардан Мадина Усмонова, Нилуфар Исмоилова ва Фотима Аҳмедоваларни кўриб турибсиз.**

**Сергей Любчич олган сурат.**

# Сарҳисоб ва режалар

**Ҳамза туманидаги «Наврўз» маҳалласида туман хотин-қизлар қўмитаси ҳамда Маънавият ва маърифат марказининг туман бўлими ташаббуси билан аёллар саломатлигини сақлаш, камқонлик ва қандли диабет каби касалликларнинг сабаблари, уларнинг олдини олиш чора-тадбирларига бағишланган давра суҳбати ўтказилди.**

Унда туман хотин-қизлар қўмитаси раҳбари Гулруҳ Аъзамова, туман маънавият ва маърифат маркази бўлими бошлиғи Ильмира Турсунова, туман ФҲДЁ мудираси Роҳатой Саъдуллаева ҳамда маҳалла фуқаролар йиғини раиси Гулчеҳра Жаъфаровалар иштирок этиб, аёллар саломатлиги, уларни тиббий кўрикдан ўтказиш масалалари, аёллар ва болаларда учрайдиган камқонлик каби касалликларнинг сабаблари ҳақида тўхталиб ўтишди.

Шунингдек, йиғилишда Қарияларни қадрлаш йилига бағишлаб ўтказилган амалий ишларнинг ҳисоботи тингланиб, янги дастурлар ишлаб чиқилди.

**Акбар ЙЎЛДОШЕВ**






## Кўчалар тартибли бўлади

**Энг Улуғ, энг Азиз байрам — Ўзбекистон Мустақиллигининг 11 йиллиги қутлуғ санасига ҳам саноқли кунлар қолди. Ҳозирнинг ўзидаёқ кўчалар, майдонлар, хиёбонлар байрамона либосга бурканди. Ички ишлар идораларининг ходимлари ҳам ана шу қувончли байрамга, халқ сайилларига тайёргарлик кўришмоқда. Улар зиммасига тартибли ва байрам тадбирлари ўтаётган пайтда кўчаларда хотиржамликни таъминлаш вазифаси юклатилган. Ана шу вазифалар уюшқоқлик билан, юксак даражада ўтиши учун, одамлар ва транспорт бир-бирига халақит бермаслигини назарда тутиб, байрам тантаналари ўтаётган пайтда одатдагидек шаҳримиз марказидаги айрим кўчалар беркитилади.**

**Шундай қилиб 31 август куни соат 14 дан соат 22 га қадар қуйидаги кўчалар беркитилади:**

31 август куни соат 14.00 дан 22.00 гача

●Навоий кўчаси — Абай кўчасидан А. Темур кўчасига қадар;
●У. Юсупов кўчаси — Навоий кўчасидан А. Қодирий кўчасига қадар;
●А. Темур кўчаси — Истиқлол кўчасидан А. Навоий кўчасига қадар (жамоат транспорти қатновига А. Қодирий кўчасидан Шаҳрисабз кўчасига қадар рухсат берилади);
●Пушкин кўчаси — А. Темур хиёбонидан Шаҳрисабз кўчасига қадар;
●Мусахонов кўчаси — А. Темур хиёбонидан Шаҳрисабз кўчасига қадар;
●Охунбобоев кўчаси — А. Темур хиёбонидан Шаҳрисабз кўчасига қадар;
●Мовароуннаҳр кўчаси — Матбуотчилар кўчасидан Яккачинор кўчасига қадар;
●Т. Шевченко кўчаси — Ўзбекистон кўчасидан Яккачинор кўчасига қадар;
●Буюк Турон кўчаси — Сулаймонова кўчасидан Афросиёб кўчасига қадар;
●Ш. Рашидов кўчаси — А. Қодирий кўчасидан Афросиёб кўчасига қадар;
●Ўзбекистон кўчаси — Абай кўчасидан Мовароуннаҳр кўчасига қадар;
●Афросиёб кўчаси — Ш. Рашидов кўчасидан Т. Тўла кўчасига қадар;
●Т. Тўла кўчаси — Афросиёб кўчасидан Ўзбекистон кўчасига қадар;
●Байрам кунлари метрополитеннинг мунтазам ишлашини ташкил этиб, «Мустақиллик» бекати 2002 йил 31 август соат 14.00 дан то 22.00 гача вақтинча ёпиб қўйилади.

**1 сентябрь соат 6.00 дан 22.00 гача:**

Мустақиллик майдони, Халқлар дўстлиги саройи, Ўзбекистон Миллий боғи, Хадра майдони, Навоий театри майдони, Сайилгоҳ кўчаси, Бобур боғи, А. Темур ва Улуғбек хиёбонларига туташ кўчаларида халқ сайли вақтида вазият тақозо этганда транспорт воситаларининг қатновини тўхтатишга рухсат этилади. Шароит тақозо этганда бошқа кўчаларда ҳам қисқа муддатга ҳаракатланишни чегаралаш кўзда тутилади.

**Тошкент шаҳар Ички ишлар бош бошқармаси йўл ҳаракати хавфсизлиги бошқармаси**

---

**«Ўзбек Давлат цирки» Республика бирлашмаси Тошкенбой Эгамбердиев номли Тошкент Давлат ЦИРКИ**

**2002 йил 30 августдан**

**Кузги-қишки мавсумнинг очилиши**

*Қарияларни қадрлаш йили ва Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 11 йиллигига бағишланган ёшларнинг катта байрам дастури*

**Томошалар: жума кунлари соат 18.00, шанба ва якшанба кунлари 12.00, 15.00 ва 18.00 да бошланади.**
**Чипталар цирк кассаларида ва туманлардаги кассирлар томонидан сотилади.**
**Ҳақ ҳар қандай шаклда тўланиши мумкин.**
**Жамоа бўлиб келиш учун талабномалар қабул қилинади.**
**Касса эрталабки соат 9 дан очиқ.**

***Маълумотлар учун телефонлар: 144-32-23, 144-29-04, 144-35-91.***

---

ҲАМШАҲАРЛАРИМИЗ

# Заҳматкаш мураббий ҳамиша изланишда



***Ҳам ишни, ҳам оилани ўйлайдиган инсон бахтлидир. Бахтли инсонларга эса барча ҳавас қилади ва улар ҳамиша эл-юрт ардоғида бўлади. Ана шу каби инсонлар қаторига Сергели туманидаги 327-ўрта мактаб директори Асқар Сулаймоновни қўшсак адашмаймиз. Зотан бу қалби кенг, фидойи педагог-олим ўз ҳаёти давомида Мустақил Ватанимизнинг ҳар томонлама ривожланиши учун ҳисса қўшиб келмоқда. Ушбу лавҳамиз ҳам заҳматкаш мураббий Асқар Сулаймоновнинг ибратли фаолияти хусусида.***

Ёш, шижоатли Асқар Сулаймонов тумандаги қатор мактабларда ўқитувчи, илмий бўлим мудири каби лавозимларда ишлаб, таълим-тарбия бериш ва дарс ўтиш сирларини сидқидилдан ўрганди. У 1979 йили тумандаги 237-ўрта мактабга директор қилиб тайинланди. Асқар ака аввало ишни билим даргоҳидаги шарт-шароитларни ўрганиш ва мавжуд имкониятлардан оқилона фойдаланиш йўлларини ишга солишдан бошлади. Қолаверса, у таълим-тарбия жараёнига янги замонавий технология ва дарсликлар олиб киришга катта аҳамият қаратди.

Ёш авлодни тарбиялашда оила, маҳалла ва кенг жамоатчилик ҳамкорлигининг муҳимлигини яхши билган Асқар Сулаймонов «Оила — мактаб — маҳалла — жамоатчилик» тизимининг дастурини ишлаб чиқди ва шу асосда таълим-тарбия ишларини ташкил қилди. Натижаси эса тезда кўзга кўрина бошлади. Мактаб ўқувчиларининг фанларни ўзлаштириши ҳамда ахлоқ-одобининг яхшиланишида кескин бурилишлар бўлди.

Мактабда ўтказилган тажрибалар ва олинган илмий-амалий хулосаларни қоғозга тушириб борди. Кейинчалик йиллар давомида олиб борган ишларини умумлаштириб, китоб ҳолига келтирди. Бу тадқиқот «Ёш авлодни тарбиялашда мактаб, оила, маҳалла ва кенг жамоатчилик ҳамкорлиги» (237-мактаб иш тажрибасидан) номи остида китоб ҳолига келтирилиб, нашр қилинди. Унга киритилган ҳамкорликда ишлаш схемасида мактаб ва маҳалла ҳамкорлигида синф раҳбарлари, «Қизлар клуби»нинг ёшлар ташкилоти билан олиб борадиган ишлари, шифокорлар билан ҳамкорликда, ҳарбий қисмлар, балоғатга етмаганлар инспекцияси, кутубхоначи, ҳомий ташкилотлар билан ҳамкорлик кабилар меҳр-шафқат гуруҳининг, ўқитувчининг иш режаларидан жамланган. Улар бугунги куннинг миллий истиқлол ғояси ва мафкураси талабларига тўла жавоб беради. Қолаверса, ушбу китоб ҳам назарий, ҳам амалий жиҳатдан муҳим аҳамиятга эгадир.

Асқар Сулаймонов мактабда раҳбарлик ишлари билан илмий-тадқиқот ишларини қўшиб олиб борди. Педагог-олимнинг «Муаллим ўгитлари» (1998) китоби чоп этилди. Бу китоб кейинчалик янги ўзбек алифбосида, инглиз ва рус тилларида ҳам нашр қилинди.

Бундан ташқари, у таълим-тарбияга оид донолар, мумтоз педагог олимлар фикрларини тўплади, бир тизимга келтирди ва натижада «Донолар хазинасидан» номли яна бир китоб дунёга келди. Шунингдек, у аёллар тарбиясини ҳам назардан қочирмади. Шу мавзуга бағишланган «Аёл — заминда ягона» китоби фикримизнинг далилидир.

Амалиётчи педагог Асқар Сулаймон ўзи раҳбарлик қилаётган мактаб ўқитувчи-хизматчилар ҳамда ўқувчилар онгига Президентимиз асарларида илгари сурилган ғояларни сингдиришга алоҳида эътибор беради. Дарҳақиқат, Юртбошимизнинг маърузалари, мухбирлар билан савол-жавоблари, асарлари ҳикматларга бой бўлиб, уларнинг маъно-мазмуни теран, тарбиявий аҳамияти жуда юксакдир. Шунинг учун ҳам ўша ҳикматларни йиғиш, тўплаш ва уларни китоб ҳолида чоп этиш ниҳоятда муҳим ва зарур эди. Бу йил у тўплаб, нашрга тайёрлаган «Миллий камолот йўли» (Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримов асарларидан олинган ҳикматли фикрлар мажмуаси) номли китоб чоп қилинди.

Бугунги кунда заҳматкаш устознинг ўқувчилари юртимиз Мустақиллигини мустаҳкамлаш, ривожлантириш ва такомиллаштириш йўлида жонбозлик кўрсатмоқдалар.

Энг эътиборлиси, 18 набиранинг буваси Асқар ака Сулаймоновнинг оилада олти нафар фарзанди бўлиб, уларнинг кўпчилиги ота изидан бориб, ўқитувчилик касбини эгаллашган.

Хуллас, фидойи устоз Асқар Сулаймонов республикамиз Мустақиллигининг 11 йиллик шодиёнасини ҳам ўзгача бир шукуҳ билан қарши олмоқда. Чунки у ёш авлодни она Ватанга садоқатли, ватанпарвар ва диёнатли қилиб тарбиялашда ўз куч-ғайратини ҳамиша аямайди.

**Очил ҲАЗРАТОВ**

---

САНЪАТ

## Мактаб ўқувчиси — дирижёр

**Мумтоз композитор Бизенинг машҳур «Кармен» операси жаҳондаги кўпгина театрларда муваффақиятли кўрсатилмоқда. Бу дурдона асарнинг янги саҳнавий талқини ўзбек актёрлари ижросида постановка қилинади.**

Опера Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Давлат академик Катта опера ва балет театри томонидан саҳнага олиб чиқилмоқда. Шу кунларда уни постановка қилиш ишлари қизғин давом этмоқда.

Шуниси диққатга сазоворки, «Кармен»нинг бу постановкасига 14 ёшли ёш санъаткор дирижёрлик қилади. Мазкур истеъдод эгаси Успенский номидаги республика мусиқа мактаби ўқувчиси Азиз Шоҳакимов бўлиб, устоз қўлида санъат билим даргоҳида дирижёрлик маҳоратини ўзлаштирмоқда.

Энг ёш санъаткор сифатида дирижёрлик пультини бошқаришни мамлакатимиз опера театри санъатида дастлабки ижодий парвоз деб баҳоламоқ лозим.

**Акбар АЛИЕВ**

---

# Ҳурматли сотувчи ва харидорлар!

***«Отчопар буюм бозори»***

очиқ акциядорлик жамияти фаолиятини такомиллаштириш, сотувчи ва харидорларга яратилган шароитларни яхшилаш, савдони замонавий услубларда ташкил этиш, савдо жойларини қайта жиҳозлаш, бозор ҳудудини ободонлаштириш ҳамда зарур хизмат турларини барпо қилиш мақсадида шу йилнинг

**1 сентябридан бошлаб «Отчопар буюм бозори» қайта қуриш ишларини амалга ошириш учун вақтинча, 3 ой муддатга ёпилади.**

*Савдо фаолиятини давом эттириш истагида бўлган тадбиркорларга «Тошбозортайёрловсавдо» уюшмаси тизимидаги бозорлардан мавжуд бўш савдо расталари тавсия қилинади.*

**«Отчопар буюм бозори» ОАЖ маъмурияти.**

---

## Тошкент шаҳри аҳолиси диққатига !

**«Тошшаҳаргазтаъминот» шўъба корхонаси 2002 йил 1 сентябрдан 1 ноябргача «Газдан хавфсиз фойдаланиш икки ойлиги»ни ўтказади.**

**Газлардан нотўғри фойдаланиш оқибатида содир бўладиган ёнғин, портлаш, одамларнинг газдан бўғилиши, заҳарланиши каби бахтсиз ҳодисаларнинг келиб чиқмаслиги учун қуйидаги газдан хавфсиз фойдаланиш қоидаларига қатъиян риоя қилинг:**

— ёқилғи газ асбобларини назоратсиз қолдирманг!
— ёш болаларга ёки газдан хавфсиз фойдаланиш йўриқномаси билан танишмаган шахсларга газ асбобларидан фойдаланишга рухсат берманг!
— газ плиткаларининг бекорга ишлаб туришига йўл қўйманг ва улардан хоналарни иситишда фойдаланманг!
— носоз дудбўронли газ асбобларидан фойдаланманг!

**Агарда хонадонингизда, кўчада, ертўла ва ер ости қудуқларида газ ҳидини сезсангиз, зудлик билан туманингиздаги газ бўлимларига ёки Марказий авария диспетчерлик хизматининг: 04, 53-56-19, 53-56-27, 53-56-31 ва 55-44-29 телефонларига қўнғироқ қилинг.**

Газ хўжалиги ходимлари етиб келгунча қуйидаги эҳтиёт чораларини кўринг, яъни:

— хонадаги газ асбобларини жўмрагини беркитинг;
— эшик ва деразаларни очиб хонани шамоллатинг;
— гугурт ёқманг;
— электр асбобларини ёқманг, агар ишлаб турган бўлса ўчирманг.

Ёдингизда сақланг!

Табиий ва суюлтирилган газларнинг ҳаво билан аралашмаси портлаш хусусиятига эга! Шунинг учун газ сизиб чиқишини олдини олиш — ҳар қандай кўнгилсиз воқеаларнинг олдини олиш демакдир.

Қуйидаги қоидаларга риоя қилинг:

— дудбўронли сув иситиш мосламаларини ёқишдан олдин мўрковда тортиш кучи бирлигини текшириб кўринг;
— дудбўронларнинг ишга яроқли эканлиги тўғрисида далолатномаси бўлмаган газ асбобларидан фойдаланиш тақиқланади, бундай газ асбоблари газ тармоғидан узиб қўйилади.

Дудбўрон текширувчи корхоналарнинг манзилларини эслатиб ўтамиз:
Тошкент шаҳар ёнғинга қарши кураш жамияти.
Темур Малик кўчаси, 114-уй. Тел. 65-98-55
«Бунёдкор — таъмирсервис» масъулияти чекланган жамияти. Алиев кўчаси 72-уй. Тел: 98-07-97.
«Олимжон» масъулияти чекланган жамияти. Лангар кўчаси 161-уй. Тел: 40-17-90

— Суюлтирилган газли баллонлардан фойдаланишда хавфсизлик қоидаларига қатъий риоя қилинг, баллонларни қуёш нури тўғри тушадиган жойга, иситиш асбоблари ва очиқ олов яқинига қўйманг;
— «Балтика» босим созлаш мосламасини газ баллонига тўғри ўрнатилишига катта эътибор беринг.

Ҳозирги вақтда баъзи бир хонадон эгаларининг ўзбошимчалик билан газ асбобларини бошқа жойга кўчириши ва қўшимча уланиш ҳолатлари кўпайган. Кўп қаватли уйларда газ плиткасининг балконга кўчирилиши бунга мисол бўла олади. Бунда кўпчилик хонадон эгалари шланглардан фойдаланишади. Резина шланглар газнинг таъсиридан ёрилади. Бундай ҳолатлар бахтсиз ҳодисаларга сабаб бўлмоқда. Газ асбобларини бошқа жойга кўчириш, газ асбобларини қўшимча ўрнатиш масалалари бўйича жойлардаги туман газлар идораларига мурожаат қилишингизни сўраймиз.

Газдан эҳтиёткорлик билан фойдаланиш — бу сизнинг хотиржамлигингиз кафолатидир!

**Ҳурматли шаҳримиз аҳолиси ва меҳмонлари!**
**Газдан хавфсиз фойдаланиш икки ойлигини ўтказишга ўз ҳиссангизни қўшинг!**
**«Тошшаҳаргазтаъминот» шўъба корхонаси Бобур кўчаси, 59 «А» уй. Телефонлар: 55-60-00, 55-49-88.**

---

***«Тошкент шаҳар, Чилонзор туманида жойлашган «SOFLIK»*** масъулияти чекланган жамиятининг фаолияти тугатилади. ОКПО бўйича рақами 14826620. Барча эътирозлар матбуотда эълон чиққан кундан бошлаб 2 ой мобайнида қабул қилинади. Манзилимиз: Чилонзор «Ц», 6-а уй».

---

Мирзо Улуғбек тумани ҳокимлиги, туман Оқсоқоллар Кенгаши ва «Маҳалла» жамғармаси Ф. Хўжаев маҳалласи оқсоқоли Йўлдош Халиловга ўғли **Рустам ХАЛИЛОВнинг** вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

---

Муассис: Тошкент шаҳар ҳокимлиги

Бош муҳаррир Акмал АКРОМОВ

Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

Телефонлар: хатлар — 133-29-70; эълонлар: 133-28-95, 132-11-39. факс: (3712) 133-29-09.

*Душанба, чоршанба ва жума кунлари чиқади.*
Нашр кўрсаткичи — 563

Ҳажми — 2 босма табоқ офсет усулида босилади. 8332 нусхада босилди. Қоғоз бичими А-2

**Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамти»га — 133-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.**

Газета Ўзбекистон Давлат матбуот қўмитасида 10-рақами билан рўйхатга олинган

Газета «Тошкент оқшоми»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

**«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.**

Буюртма Г-709. Босмага топшириш вақти 16.00 Топширилди 17.00 1 2 3 4 5 6